


# INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF BIRUNI



**VOLUME 2  
ISSUE 3  
2023**

*Exact sciences  
Natural sciences  
Medical sciences  
Technical sciences  
Economic sciences  
Pedagogical sciences  
Philological sciences  
Philosophical sciences  
Humanitarian sciences*



INDEX COPERNICUS  
INTERNATIONAL



TOGETHER WE REACH THE GOAL



INTERNET ARCHIVE

**Impact factor  
2023 = 5.99**

[www.birunijournal.uz](http://www.birunijournal.uz)

**ISSN (E) 2181-2993**



INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL OF BIRUNI

ISSN (E) 2181-2993

Vol. 2, Issue 3. Sep. (2023)

---

# International Scientific Journal of Biruni

**№ 2 (3) 2023**

**ISSN (E) 2181-2993**

“International scientific journal of Biruni”. Ilmiy maqolalar to’plami. Uzbekistan:  
[www.birunijournal.uz](http://www.birunijournal.uz). 2023. - \_\_ b.

**ISSN 2181-2993**



Ushbu ilmiy maqolalar to‘plami Internet jahon axborot tarmog‘idagi veb-sayt tarzidagi ommaviy axborot vositasi hisoblangan “International scientific journal of Biruni” ilmiy jurnalining tahririyatiga tegishli bo‘lib, bunda jahon ilm-fani va ta’lim sohalarining yutuqlari, muammolari va rivojlanish istiqbollari, xususan, O‘zbekistonda “Uchinchi renessans” davri innovatsion ilm-fan va ta’limning rivojlanish modellari, ilm-fan va ta’limning rivojlanish tarixi va o‘ziga xos rivojlanish bosqichlarini qamrab olgan ilmiy jurnalning 2-bo‘lim 3-soni o’rin egallagan.

**Mas’ul muharrir:****t.f.d., dot. Y. Kuramboyev****Taqrizchilar:**

Adilbekova Diloram Baxtiyorovna

Bozorov Otobek Nashvandovich

Batirov Zafar Lutfullayevich

Eshmatov Bahodir Eliyevich

Ochilov Shuhratulla Atoyevich

# ҮРТА АСРЛАР МОВАРАУННАХРИДА АСТРОНОМИК ИЛМЛАР РИВОЖЛАНИШИННИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ЧАҒМИНИЙ АСТРОНОМИК ҚАРАШЛАРИГА ТАЪСИРИ

ХОЛБАЕВА Райхона Абдулазисовна  
ТДШУ таянч докторанти  
Тел. 97 570 67 87  
Email: rayxonal2mim@gmail.com



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-4-9>

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўрта асрлар Шарқ фалсафасида табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ривожида алоҳида аҳамиятга эга бўлган алломаларнинг астрономик қарашларининг фалсафий таҳлили ва уни ишишимзининг объекти бўлган Маҳмуд ибн-Муҳаммад ал-Чагминийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларига таъсири борасида мулоҳаза юритилади.

**Калим сўзлар:** илми нужум, борлик, осмон ёритгичлари, тригонометрия, юлдузлар илми, “Байтул ҳикма”, “Қонуни Маъсудий” “Мулаҳхас фи-ҳайъа”,

## ABSTRACT

In this article the al analysis of the astronomical views of scolars who are of special importance in the natural-scientific, social-philosophic development of the Middle Ages Eastern philosophy and it's relation to the natural -scientific philosophical views of who is the object of our work influence is considered.

**Keywords:** scientific of astrology, Universe(existence), celestial lights, trigonometry, “Bayt ul-hikma”, “Canon Masuda”, “Mulakhas fi-l hay'a”

## АННОТАЦИЯ

В статье проводится философский анализ астрономических взглядов учёных, имеющих особое значение естественнонаучном и общесовременно-философском развитии средневековой восточной философии, и её естественнонаучной философией и философские воззрения Маҳмуда ибн Муҳаммада Умара аль-Чагмини на которого обращена наша работа.

**Ключевые слова:** астрология, существование, световые луки, астрономия, тригонометрия, “Байтул ҳикма”, “Қануни Масуди” “Мулаҳхас фи-ҳайа”

## КИРИШ (Introduction)

Чағминийнинг илмий-фалсафий қарашлари шаклланишида ундан аввал яшаб, ижод этган Мовароуннахрлик алломаларнинг ҳиссалари жуда ҳам катта.

Ўрта асрлардаги илм фан ривожининг жуда катта қисми Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан Моварауннахр ва Хурросон ҳиссасига тўғри

келади. Хурросон ҳудуди тарихий жиҳатдан Каспий денгизининг шарқий ва жанубий шарқий ҳудудини ўз ичига олади.

Хурросон ҳудуди қадимда Парфия давлати, Сосонийлар давлати, IX-асрда Хурросон Сомонийлар ва Тохирийлар давлати, кейинчалик араблар босқинидан кейин(VII-VIII) Араб ҳалифалиги таркибиға кирган.

Моварауннахр ва Хурросон Сомонийлар таркибиға кирган пайтда мамлакатда кўчманчиларнинг ўзаро урушлари барҳам топиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт юксалиб, ички бозорлар тараққий этди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Балх, Марв, Хўжанд, Нишопур каби шаҳарлар иқтисодий, савдо-сотик, илм-фан ва таълим, табиий фанлар, айниқса астрономик илмлар тараққий этди. Астрономик илмлар кундалик ҳаёт эҳтиёжларидан, қуруқлик ва дengizdagi савдо сотик ишларида, бирон бир ҳудудни кординациясини аниқлаш ва қишлоқ хўжалиги тақвимларини ишлаб чиқиш учун зарур эди. Астрономик илмлар яна шуниси билан аҳамиятли эдик, саройлардаги ҳукмрон доираларни турли ҳил харбий, сиёсий ва кундалик майший эҳтиёжларини қондириш учун астрологларга муҳтоҷликлари важидан ҳам секин асталик билан астрономик илмлар тараққий эта бошлади

## ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ (Research methods)

Биз ушбу мақоламизда диёримизда ўрта асрларда яшаб ижод этган алломаларнинг астрономик қарашлари ва уларнинг фалсафий аҳамиятини таҳлил қиласиз.

## МУҲОКАМА (Discussion)

Моварауннахрлик илми нужум асосчиларидан бири бу IX асрда яшаб ўтган аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Касир Фарғонийдир. Аллома ҳақидаги фикрлар 861 йилга таълуклидир.<sup>1</sup>

Фарғоний ўзининг “Юлдузлар илми ҳақида бошланғич билим” (“Китаб фи уснул илм ан-нужум”) асари билан астрономик билимлар ривожига катта ҳисса қўшган. Бу асар Птоломейнинг Сайёralар ҳақида таҳмини асносида яратилган. Бу асар XII асрда ё лотин тилига таржима қилиниб, ўрта асрлар Европасида узоқ йиллар астрономик илмлар учун дарслик вазифасини бажарди.

Мутафаккир шунингдек, “Уструлоб ясалиши ҳақида”, “Уструлоб ҳаракати ҳақида”, “Вақтни аниқлаштириш тўғрисида”, “Қуёш соатини ясаш тўғрисида” номли бир қанч а асарларни муаллифидир.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература //Изб.соч.-М.-Л:Изд.1957.-Т, 4 -С



Фарғоний ўзининг астрономияга оид изланишларини баён этар экан, дунёни тузилишини фалсафий мушоҳадалайди. Борлиқни қандай тузилганлиги, унинг яшаш усули ва ҳаракати тўғрисидаги фикрларини ўз рисолаларида баён этиб ўтади.

Ўрта асрлар шарқида яна шунингдек, астрономик кузатишларни олиб борган олимлардан бири хукмдор Абдуллоҳ ибн Тохир (830-844й.)нинг жияни Мансур ибн Талха бўлади. Берунийнинг таъкидлашича, у математика соҳасининг юксак билимдони бўлиши билан биргаликда юлдузлар илмида ҳам катта ютуқларга эришиб, Марв шахрида астрономик кузатишларни олиб бориб, Нишопур ва Макка шахарларининг географик координацияларини юқори аниқлик билан белгилаган алломадир.

Мансур ибн Талха шунингдек, “Саноқ сонлар ҳақида рисола”, “Айлана шаклидаги осмон жисмларининг далили тўғрисида рисола” номли рисолаларнинг муаллифи ҳамdir.

Марказий осиёлик буюк энсклопидист алломалардан яна бири Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийдир. Унинг асосий ижод қилган шахри Бағдод бўлиб, бу шахарга аллома 813 йилда келган ва ўрта асрлар мусулмон шарқида машхур бўлган ”Байт-ул ҳикмада” ижод қилган.

Унинг илмий фаолияти бир қанча соҳаларни: астрономия, математика, географияни қамраб олган эди.

Аллома ҳинд саноқ сонларини араб дунёсига ва кейинчалик бутун дунёга кенг тарқалишига сабабчи бўлган. Унинг астрономия ва математикага оид рисолалари XII асрларда ёқ лотин тилига бевосита таржима қилинди. Замонавий математиканинг асосчиси сифатида математик атамаларнинг жуда ҳам кўпчилиги Хоразмий номи билан боғлиқдир.<sup>3</sup>

Унинг астрономияга оид энг йириги асари “Зиджи ал Хоразмий” бўлиб, бу асар 817 ва 833-йилларда ёзилган бўлиб, кейинчалик бутун Шарқ ва Ғарбда машхур бўлади. Бу асар ўзида қадимги ҳинд, бобил ва сосонийлар Эронидаги қадимдан мавжуд билимларни ўзида жамлаб, бизгача бу билимларни етиб келишига сабабчи бўлган. Бу асарда биринчилардан бўлиб, синуслар жадвали, Птоломейнинг хордлари ўрнига тангенс атамаси қўлланилган. 1126-йилда ушбу юқоридаги асар лотин тилига таржима қилинган ва Европада астрономияга оид асосий рисола бўлиб ҳизмат қилган.<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Матьиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XIII вв.). -М.: Наука, 1983.-Кн.2 .-С. 57-58

<sup>3</sup> Ал-Хорезми Мухаммад ибн Муса Математические трактаты .-Ташкент; Фан 1983

<sup>4</sup> Ахмедов А.А. Теория движения планет «Зиджи аль-Хорезми» // Общественные науки в Узбекистане. -1983 №7.-С.59 -64

Бу асарни асосини “Катта синдхинд” номли мураккаб ва тушуниш қийин бўлган рисола туради. Аллома бу асарни халифа Маъмун буйруғи билан қайта ишлаб, қадимги эллин, Эрон сосонийлари ва илк халифаликдаги астрономик билимлар билан бойитди. Хоразмийнинг айрим услублари бир томондан “Зиджи Шахриёран” асари орқали бобил таъсири, яна бир томондан Теоннинг “Алмагест” ва “Қонун” асрлари билан таниш бўлганлигидан далолат беради. Алломанинг 875 йил вафотидан сўнг “Зижи ал-Хоразмий” рисоласига Ал масрур шарҳ ёзди. Бу асарнинг оригинал варианти бизгача етиб келмаган. Бу асар бизга испан-араб олимни Ал-Мажидийнинг (XI)лотин тилига қилган таржимаси(1116-й.) орқали бизга маълум. Бу лотин тилидаги асарни инглиз тилига О.Нуйгабауэр томонидан таржима қилиниб, Г.Зутер томонидан нашр қилинган.

Алломанинг юқоридаги асаридан ташқари “Уструлоб ҳаракати тўғрисида китоб”, “Қуёш соатини ясаш тўғрисида” рисолалари ҳам мавжуддир.

Ўрта асрлардаги яна бир хассос алломалардан астроном, математик, географ, геодезия илмининг етук олими, тарихчи Абу Райҳон Берунийдир.

“Тарих, риёзиёт, фалакиёт, илми хиёл (механика), тиббиёт, маъданшунослик, геодезия, сайдана(фармакагнозия), фан тарихи,- Шарқнинг энциклопедик ақл эгаси бўлмиш Абу Райҳон Беруний ўз ҳиссасини қўшган фан соҳасининг тўла бўлмаган рўйҳати ана шундан иборат.”<sup>5</sup>

Беруний ёшлигидан математика, астрономия, минералогия, география, хариташунослик, геометрия ва тригонометрия каби фанларни мукаммал ўрганди. Алломанинг энг улкан кашфиётларидан бири ер юзининг турли ҳудудларидаги вақтни белгилашнинг меъёрларини тақослаб чиққанлигидир.

Аллома “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”номли буюк асарида дунё тарихининг янги зарварақаларини кашф этди. У Христофор Колумб Американи кашф этишидан 500 йил аввал Америка қитъаси мавжудлигини аниқлаб берган.

Беруний ўз илмий фаолиятини жуда эрта бошлаган. 990-йилда аллома устози Ибн Ироқ етакчилигига Қиёт шахрини баҳор ва куз фаслларидағи Қуёш сатҳини ўзгаришини ўлчайди. Ва бу тўғрисидаги фикрларнини кейинчалик “Геодезия” асарида баён этади. Беруний 150 дан ортиқ рисоланинг муаллифи бўлиб, улардан астрономияга оид энг йириги “Қонуни Маъсудий” рисоласидир. Бу рисоладан ташқари аллома астрономик фикларини “Ҳиндистон, “Геодезия”, “Устурлоб” ва “Йилномалар” асарларида баён этган.

<sup>5</sup> Файзуллаев О.А. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Т., «Фан». 1997, С.4



Берунийнинг илми нужумга оид “Қонуни Маъсудий” асари 11 китобдан иборат. 1-китоб дунёнинг умуий манзараси тасвирига, 2- китоб тавқим ва йилномаларга, 3-китоб математикага, 4-китоб астрономик қобиқларга, 5-китоб геодезия ва гелграфияга, 6-китоб Қуёш ва унинг ҳаракати тўғрисида, 7-китоб Ой ва унинг ҳаракатига, 8-китоб ой ва қуёш ботишига, 9 ва 10-китоб ҳаракатсиз сайдерларга, 11-китоб астрологлар учун астрономик вазифаларга бағишлиланган.<sup>6</sup>

Алломанинг жуда ҳам кўп сонли астрономик кузатишлари Ой ва Қуёш ҳаракатининг птоломейча назариясини қайта текширишга ёки Ер шарининг айрим нуқталарини координациясини, ҳаракатсиз юлдузларни координациясини аниқлашга қаратилган эди.

Юқоридаги хусусияти билан Беруний дунё олимлари ичидаги юксак мақомга эга бўлди, унинг жуда ҳам кўп назариялари ҳозирги замон илм фан ривожи учун ҳам ўзини илмийлик салоҳиятини йўқотмаган.

### ХУЛОСА (Conclusion)

Юқоридаги алломаларнинг астрономия, математикага оид меърослари кейинчалик Марказий Осиёнинг Хоразм диёрида етишиб чиккан аллома медик, астроном, математик Маҳмуд ибн Мухаммад ал-Чағминий қарашларига жуда катта таъсир кўрсатади. Масалан, Чагминийнинг “Тўққиз сонинг хусусияти” номли асари ал-Хоразмийнинг математикага оид сонлар тўғрисидаги фикларига жуда ҳам яқиндир.

“Меъросни тақсимлаш тўғрисида”ги асари Фарғоний ва Фаробийларнинг мусулмон оламида меърос ва унинг тақсимланишига оид бир қанча фикларига асосланган.

Берунийнинг “Қонуни Маъсудий” асари Чагминийнинг “Мулаҳҳас фи хайа” асарига жуда катта таъсир кўрсатган. Масалан, Берунийнинг осмон ёритгичлари, борлиқ, сайдерларнинг ҳаракатлари, қобиқлар ва уларнинг турлари ҳақидаги фикрларига яқин фикрлар “Мулаҳҳас фи хайа” асарида ҳам мавжуддир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, IX-X асрларда ривож топган табиий илмлар ривожи XII-XIII асрларга келиб ўз ривожини юксак даражасига эришиди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература //Изб.соч.-М.-Л:Изд.1957.-Т, 4 -С

<sup>6</sup> Беруни Канун Масуда// Изб.произведения.-Ташкент; Фан , 1973.-Т. 5- 6.



2. Матьвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XIII вв.). -М.: Наука, 1983.-Кн.2 .-С. 57-58
3. Ал-Хорезми Мухаммад ибн Муса. Математические трактаты .-Ташкент; Фан 1983
4. Ахмедов А.А. Теория движения планет «Зиджи аль-Хорезми» // Общественные науки в Узбекистане.-1983 №7.-С.59 -64
5. Файзуллаев О.А. Проблемы противоречия в трудах классиков естествознания и философии Средней Азии. Т., «Фан» .1997, С.4
6. Беруни Канун Масуда// Изб.произведения.-Ташкент; Фан , 1973.-Т. 5- 6.

## XIV-XV ASRLARDA MOVAROUNNAHRDA IJTIMOIY-SIYOSIY FIKRLAR RIVOJLANISHI

**NOSIROV Rashod Adilovich,**

*Toshkent davlat transport universiteti,*

*“Xalqaro ommaviy xuquq” kafedrasi professori*

**TEMIROVA Svetlana Vladimirovna,**

*Toshkent davlat transport universiteti*

*“Xalqaro ommaviy xuquq” kafedrasi katta o‘qituvchisi*



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-10-16>

### ANNOTATSIYA

*Ushbu maqolada XIV-XV asrlarda movarounnahrda ijtimoiy-siyosiy fikrlar taraqqiyoti tahlil qilindi. O‘rta asrlarda Movarounnahrda bir qator ilm-fan rivojlanib taraqiy topdi. Bular qatorida tafsir (Qur‘on sharhi) ilmi ham o‘zining taraqqiyot bosqichini bosib o‘tdi. XIV-XV asrlarda Movarounnahrda ilm-fan yuksak darajada rivojlanganligi va o‘sha davrda yashab ijod qilgan olimlarning ilmlariga to’xtalib o‘tilgan.*

**Kalit so‘zlar:** tarix, aqliy, naqliy, tasavvuf, ishoriy, aqida, fiqh, nahv, siyosiy tarqoqlik, siyosiy kurash maydoni,sarf.

### ABSTRACT

*Annotation. This article analyzed the development of socio-political thoughts in Movarounnahr in the XIV-XV centuries. In the Middle Ages, a number of sciences developed and flourished in Movarounnahr. Among these, the science of tafsir (exegesis of the Qur‘an) also passed its stage of development. In the 14th and 15th centuries, science was highly developed in Movarounnahr and the knowledge of the scientists who lived and worked in that period was mentioned.*

**Key words:** history, intellectual, narrative, Sufism, Ishari, belief, fiqh, nahw, political disunity, field of political struggle, consumption.

### KIRISH (Introduction)

Mustaqillik yillarida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub o‘zgarishlar bizni bevosita o‘tmish va madaniy merosimizga bo‘lgan munosabatimizga qaytatdan tanqidiy asosda yondashishimizni va o‘rganishimizni talab qilmoqda. Yangicha fikrlash va madaniy merosimizni xolisona o‘rganishni va munosabatda bo‘lishni, ijtimoiy-falsafiy, siyosiy fikr tarixidagi dog‘larni tugatishni dolzarb masala sifatida kun tartibiga qo‘ymoqda.

Ma’lumki, XIV asr o‘rtalarda Baxouddin Naqshband asos solgan tasavvuf suluki naqshbandiya deb ataladi. Hazrat Baxouddin Naqshband ta’limotida boshqalar

mehnati bilan kun kechirishni, tekinxo'rlikni, ijtimoiy zulm va istibdod qat'ian qoralanadi. Mazkur ta'limot tarafdorlari tarkidunyochilikka, boy-zadagonlarning zulm va istibdodiga qarshi bo'lganlar, kishilarni faqat o'z qo'l kuchi, peshona teri bilan halol mehnat qilib kun kechirishga chaqirganlar. SHuning uchun o'z davridagi ilm-ma'rifatning, adabiyotning yirik namoyondalari bo'lmish Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Bedil, So'fi Olloyor, Mashrab, Maxtumquli singari SHarqdagi ulkan taraqqiyparvar, insonparvar shoirlar va mutafakkirlar naqshbandiya yo'lini tanlab, barakali ijodlarida uning qadr-qimmatini yuksaklarga ko'targanlar. Ulug'bek hukmronlik qilgan davrda fan va madaniyat keng taraqqiy etdi. SHu davrda Samarqandda qozizoda Rumiy, Jamshid bin Ma'sudi, Muyiddin va uning o'g'li Mansur Koshiy, Ali ibn Muhammad Jurjoniy, Xirotda Alisher Navoiy, Abdurahmon Jomiy, ulug' rassom Behzod, tarixshunos Xondamir, Sulton Ali Mashhadiy va boshqalar barakali ijod qilganlar. Boshqa tabiiyotshunoslar singari Ulug'bek va uning shogirdlari moddiy olamni kishi ongidan tashqarida, obektiv mavjudligiga shubha qilmadilar va uni chuqur o'rganishga da'vat etdilar. qomusiy ilmlar sohibi bo'lgan Mirzo Ulug'bek riyoziyot, falakiyat, musiqashunoslik, falsafa, tarix sohasida ijod qilgan. «Bir darajaning sinusini aniqlash haqida risola», «Risola dar ilmi musiqa», «Risolai yirik tarixiy kitob»larning muallifi Ulug'bek nomi butun dunyoga mashhur bo'ldi. Ayniqsa, unga shon-shuhrat keltirgan bebafo asar «Ziji jadidi Ko'ragoniy»dir. Bu asar Ulug'bekning 20 yil davomida olib borgan astronomik kuzatishlarining natijasi bo'lib, uning asosiy qismi yulduzlar jadvalidan iboratdir. Ulug'bek o'limidan keyin ikki yuz yil davomida bu jadval o'zining aniqligi va ilmiyligi bilan jahonda tengi yo'q xisoblab kelingan .

### MUHOKAMA VA NATIJALAR (Discussion and results)

Tafsir ilmi o'rta asrlarda Movarounnahrda rivojlanish va sustlashish kabi bosqichlarni bosib o'tdi. Lekin aytish kerakki, tafsir sohasida o'ziga xos jihatlarni kuzatish mumkin. Ushbu xususiyatlarni tafsir ilmida mavjud tafsir turlari asosida tahlil etish mumkin. Ma'lumki, tafsir ikkita katta turga — naqliy va aqliylarga bo'linadi. Aqliy tafsirlar ham o'z navbatida nahv va sarf, lug'at, balog'at va fasohat, tasavvuf, aqida va fiqh kabi qismlardan iborat. Mana shu taqsimot asosida XIV-XV asrlarda Movarounnahrda yozilgan tafirlarni ko'rib chiqish va tahlil qilish mumkin. Lekin ushbu tadqiqotda nafaqat XIV-XV asrlar bilan kifoyalanildi, balki undan oldingi davrlarda tafsir ilmi qanday rivoj topgani hamda keyinchalik qaysi holatda bo'lganini aniqroq bilish maqsadida Movarounnahrga islom kirib kelganidan keyin IX-XII asrlarda yozilgan tafsirlarning eng mashhurlarini ham tahlil qilindi. Naqliy tafsirlar. IX-XII asrlar. IX asrda Movarounnahrda naqliy tafsir yozish an'anasi Abd

Ibn Humayd al-Keshiy, Imom al-Buxoriy, Imom at-Termiziy, Abu Abdulloh ad-Dorimi kabi muhaddislar boshladilar. Abd ibn Humayd al-Keshiyning naqliy uslubda kitobat qilingan kitobi mavjud. Oli Imron va Niso suralari sharhidan iborat holda 2004 yilda Bayrutda chop etilgan ushbu tafsir bugungi kunda tadqiqot jarayoniga jalb etilgan. Imom al-Buxoriyning “at-Tafsir” nomli kitobi borligi manbalarda qayd qilingan. Biroq u bizgacha yetib kelmagan, shu sababli ushbu kitob haqida aniq fikr aytish qiyin. Lekin al-Buxoriyning kitob ta’lif etish uslubidan kelib chiqib, uni naqliy tafsir deyish mumkin. At-Termiziy va ad-Dorimiyarning tafsir kitobi yozganliklari ma’lum bo‘lsama-da, ularning hadis to‘plamlarida Qur’on tafsiriga oid alohida boblar borligi va unda oyatlar hadis orqali sharhlanganligidan kelib chiqib, ularni naql asosida tafsir qilgan muhaddislar deyish mumkin. X asr va undan keyin ham davom ettirildi. Abu Ishoq an-Nasafiy xali qo‘lyozmasi topilmagan, biroq naqliy tafsir bo‘lishi mumkin bo‘lgan “at-Tafsir” kitobi borligi ta’kidlanadi. Yana bir olim Abu Lays as-Samarqandiy “Bahrul ulum”da oyat va hadislarga asoslangan tafsirlardan ko‘p foydalangan. Abu Hafs Umar ibn Muhammad al-Hamazoniy as-Samarqandiyning ham “at-Tafsir” nomli asari borligi aytilsa-da, bizgacha yetib kelmaganligi bois uning qanday tafsir ekanligi borasida aniq fikr bildirish qiyin. Biroq o‘sha paytdagi davr va olimning qarashlaridan kelib chiqib, katta ehtimol bilan uning naqliy tafsir bo‘lgan deyish mumkin. Toshkentlik Abu Bakr al-Qaffol Muhammad ibn Ali ash-Shoshiyning ham “at-Tafsirul kabir” nomli tafsiri borligi ta’kidlanadi. Lekin uning ham nusxasi saqlanib qolmagan. Biroq ayrim tafsirlarda undan keltirilgan bir qator iqtiboslar mazkur tafsirning naqliy va aqliy ekanini ko‘rsatadi. Olimning muhaddis olim bo‘lganligi ham uning tafsirlarda naqliy dalillardan foydalanganligiga sabab bo‘lgan bo‘lishi mumkin. XIV-XV asrlar. XIV-XV asrlarda tafsir ilmi ketma-ketlikda taraqqiy etdi. Biroq davrlar o‘tishi va ilmda yangi sohalarning paydo bo‘lishi hamda aqliy javoblarga ehtiyojning ortishi natijasida X-XII asrlardan keyin naqliy tafsirlar nisbatan kamroq yozilganini kuzatish mumkin. Ammo bu naqliy tafsirlar yozilmadi, degan xulosa ham emas, balki mufassir olimlar o‘z tafsirlarida aqliy sharhlarni berish bilan bir qatorda naqliylaridan ham foydalanganlar. O‘zi aslida aqliy va naqliya ajratish bevosita quyidagi uslub ko‘riladi: bir tafsir kitobida aqliy va naqliy dalillar ham bo‘ladi, biroq ulardan qaysi biri ko‘proq bo‘lsa o‘sha tomoni qabul qilinadi. Shu nuqtai nazardan qaraganda, kuzatishlar natijasida XII asrdan keyin naqliy tafsir borligi aniqlanmadı. Bu holat umumiylar tarzda islom olamida ham shunday edi. Ayrim hollardagina naqliy tafsirlar yaratilgan. Bunga Ibn Kasir, Abdurahmon as-Saolibiy, Jaloluddin as-Suyutiyni misol qilish mumkin. Shu ma’noda aytish mumkinki, XIX-XX asrlarda ham ayrim hollardagina naqliy tafsirlar yozildi. Jumladan, Alloma Muhammad ibn Ali ibn

Abdulloh ash-Shavkoniy (vaf. 1250/1834–35 y.)ning “Fathul kodiril jomi’ bayna fannir rivoya vad diroya min ilmit tafsir” va Muhammad Amin Shanqitiyning (vaf. 1393 h.y.) “Azvoul bayon fi izohil Qur’on” kitoblarini aytish mumkin.

Shuni aytish kerakki, naqliy tafsirlar asosan XII asrgacha bo‘lgan davrda ko‘proq yozilgan. Buni Movarounnahr va butun islom olami misolida ham ko‘rish mumkin. Ayniqsa, Muhammad ibn al-Jarir at-Tabariyning (vaf. 310/922) “Jomiul bayon an ta’vili oyil Qur’on”, Ibn Abu Hotam ar-Roziyning (vaf. 327/939) “Tafsirul Qur’onil karim”, Abu Lays as-Samarqandiyning (vaf. 375/985) “Bahrul ulum”, Abu Ishoq as-Saolibiyning (vaf. 427/1036) “al-Kashf val bayon an tafsiril Qur’on”, Abu Muhammad al-Bag‘aviyning (vaf. 516/1122) “Maolimut tanzil”, Ibn Atiyya al-Andalusiyning (vaf. 546/1146) “al-Bahrul vajiz fi tafsiril Kitabil aziz” kabi mashhur naqliy tafsirlar ham aynan manashu davrga to‘g‘ri keladi. Keyingi davrlarda naqliy tafsirlarga nisbatan aqliy tafsirlar ko‘proq yozildi. Buning boisi nima degan savol tug‘ilishi tabiiydir. Javoban bir nechta omillarni sanab o‘tish mumkin. Birinchidan, naqliy rivoyatlar hadis to‘plamlari, musnadlar, dastlabki tafsir kitoblarida jamlanib bo‘lingan edi. Vaqt o‘tishi va sahih to‘plamlarning shakllanishib bo‘lishi natijasida kitoblarda hatto roviylar ham zikr qilinmay qo‘yildi. Chunki sahih hadislar ajratib bo‘lingan, roviylari aniqlashtirilgan, endilikda bunga ehtiyoj qolmagan edi. Buning o‘rniga al-Buxoriy, Muslim, at-Termizi rivoyati kabi iboralar bilan kifoyalanib qo‘yiladigan bo‘lindi. Ushbu holat ham naqliy tafsirlarning kamroq yozilishiga sabab bo‘lgan bo‘lishi mumkin. Ikkinchidan, ilm-fanning rivoji, fanda yangi sohalarning paydo bo‘lishi, kashfiyat va ixtiolar natijasida Qur’onni o‘sha ilmlar asosida tushunishga ehtiyoj ham paydo bo‘la bordi. Masalan, aqliy ilm yo‘nalishlaridan sanalgan fiqh, aqida, falsafa, tasavvuf kabilalar bilan bog‘langan tafsirlar ko‘plab yozila boshlandi. Ayniqsa, bugunga kelib, oyatlardagi ma’nolarni zamonaviy texnologiyalar yutuqlariga bog‘lash holati mavjud. Natijada Qur’onda tibbiyot, falakiyot, fizika singari ko‘plab tadqiqotlar paydo bo‘ldi. Uchinchidan, Qur’on tilini, so‘zlarining ma’nolari, grammatik xususiyatlari, g‘arib so‘zlar, balog‘at va fasohati kabilarni o‘rganishga nafaqat arab bo‘lmagan, balki arabblarning o‘zlarida ham ehtiyoj paydo bo‘ldi. Chunki vaqt o‘tishi bilan asl tildan uzoqlashish, ayrim so‘zlarning tushunmaslik yoki yanada chuqurroq tushunish zarurati paydo bo‘lgan edi. Tabiiy ravishda tilshunos olimlarning ushbu jihatlarni o‘rganishlari natijasida alohida Qur’oni karimning til bilan bog‘liq ko‘plab tafsirlari vujudga keldi. Aslida oyatlarni arab tilini yaxshi bilmasdan tushunish imkoniyati ham yo‘q edi. Bu va yana boshqa bir qator omillar naqliy tafsirlardan ko‘ra aqliylarining ko‘payishiga sabab bo‘lgan. Aqliy tafsirlar. IX-XII asrlar. X asrda Movarounnahrda to‘liq yozilgan aqliy tafsirlar paydo bo‘ldi va Abu Mansur al-Moturidiy bularning dastlabkilaridan biri bo‘ldi.

To‘g‘ri, al-Moturidiyning “Ta’vilot ahlis sunna” kitobini naqliy deyuvchi olimlar ham mavjud. Biroq uning yozilish usullaridan kelib chiqib, aqliy deyish mumkin. Masalan, alloma ko‘p joylarda aqliy savollar berib, ularga mantiqqa asoslangan javoblarni beradi va ularni oyat va hadislarni keltiradi, biroq u yerdagi aqliy izoh va ta’villar naqliyga nisbatan ko‘pligini kuzatish mumkin. Mazkur tafsirda naqliy dalillarga tayanilgan aqliy misollar ko‘p deyish to‘g‘riroq bo‘lardi. Keyinchalik aqliy tafsir yozish an’anasi Abu Hafs Umar an-Nasafiy, Abu Nasr al-Haddodiy as-Samarqandiy, Alouddin as-Samarqandiy singari olimlar tomonidan davom ettirildi. Aytish kerakki, Abu Hafs Umar an-Nasafiy tafsirda fors tiliga ham alohida urg‘u berdi. Jorulloh az-Zamaxshariy aqliy bilimlarni maromiga yetkazgan yetuk olim sifatida Qur’oni karimning balog‘iy, nahviy, lug‘aviy jihatlarini yuqori darajada bayon etdi. Buni asrlar osha ko‘plab mufassirlar e’tirof etib keladilar. Abul Barakot an-Nasafiy esa, al-Moturidiydan aqliy va mantiqiy misollar, ta’vil, oqimlarga raddiya berishda tafakkurga chorlovchi uslublarni hamda az-Zamaxshariydan Qur’onning balog‘at va fasohati, nahv va lug‘at sirlarini ochishdagi mahoratlarni olib qo‘llagan. Shu tarzda “Tafsir an-Nasafiy”ning bir nechta joyida yirik mufassirlarning tafsirlaridan foydalangan. Aqliy ilmlar asosida yoritilgan tafsirlarni Abu Ali Ibn Sino, Muhammad ibn Abdurahmon az-Zohid al-Buxoriy kabi olimlar ijodida ham uchratish mumkin. Ushbu davrlarda yashagan bir qator olimlarning tafsir qo‘lyozmalari saqlanib qolmagan, agar ularni topish mumkin bo‘lganda, balki mazkur ro‘yxatni yana davom ettirish imkoniyati ham tug‘ilar edi. XIV-XV asrlar. Movarounnahrda aqliy tafsirlarning yozilish an’anasi keyingi asrlarda davom etdi. Bunday olimlar qatorida Abul Barakot an-Nasafiy, Jamoluddin al-Koshoniy, Abul Fazoil Muhammad al-Burhon al-Hanafiy, Alouddin Abdulaziz al-Buxoriy, Mas’ud Sa’duddin at-Taftazoniy, Alouddin Ali Mavlono al-Qushchiy, Abul Qosim ibn Abu Bakr as-Samarqandiy al-Bayoniy, Kamoluddin Hofiz al-Ko‘hakiy at-Toshqandiy, Buxoriy-zoda Muhammad al-Buxoriy kabilarni aytib mumkin. Bulardan Abul Barakot an-Nasafiy “Madorikut ta’vil va haqoiqu ta’vil” kitobini arab tili qoidalari, aqliy mushohada va misollar asosida keng sharhlagan. Olimning tafsirida naqliy ilmlar ham mavjud. Biroq aqliy ilmlar nisbatan ko‘pligi uchun u aqliy ilmlar asosida sharhlangan kitob deyish mumkin. Umuman olganda, alloma o‘z tafsirida quyidagi ilmlardan foydalangan: – tilga oid ilmlar: sarf, nahv, lug‘at, arab adabiyoti, she’riyati, maqollar, balog‘at, fasohat, qisman fors va ibroniyl tillar; – diniy ilmlar: Qur’on, hadis, sahoba va tobe’inlar rivoyatlari, aqida, fiqh, usul al-fiqh, meros, qiroat, nosix va mansux, tasavvuf; – boshqa ilmlar: tarix, isroiliyot, geografiya, hisob-kitob. Movarounnahrda aqliy tafsirlar ichida ishoriy tafsirlarning ham rivoj topganini

kuzatish mumkin. Buni X asrlarda yashagan al-Hakim at-Termiziy misolida ham ko‘rish mumkin. Alloma qalamiga mansub, biroq nomi noma’lum kitobida Qur’onda uchragan 80 ta so‘zga sharh yozilgan va oyatlar tasavvufiy-ishoriy uslubda izohlangan. Ishoriy tafsirlar orasida Najmuddin Kubro, Jamoluddin al-Koshoniy, Xo‘ja Porso, Ya’qub Charxiy kabilarni ham aytib o‘tish mumkin. Umuman olganda, tasavvuf tariqatlari rivojlanishi bilan tasavvufiyy tafsirlari ham ko‘payib bordi.

## REFERENCES

1. Adilovich, Nosirov Rashod. "THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL." (2022): 183-186.
2. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 86-88.
3. Adilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyor Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." European Journal of Molecular and Clinical Medicine 8.1 (2021): 1388-1396.
4. Adilovich, N. R. (2022). THE STRATEGIC VALUE OF EDUCATION FOR THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND TRAINING OF PROMISING PERSONNEL POTENTIAL.
5. Nosirov, R. (2022). THE PLACE AND ROLE OF THE MASTER AMIR TEMUR IN WORLD HISTORY. *Uzbek Scholar Journal*, 9, 203-205.
6. Nosirov, R., & Mamajanova, G. (2022). International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 86-88.
7. Nosirov R. A. O‘ZBEK XALQINING ETNIK SHAKLLANISHI //Uzbek Scholar Journal. – 2022. – T. 9. – S. 198-202.
8. Adilovich, Nosirov Rashod, and Yuldashev Bakhtiyor Ergashevich. "Structural and functional approaches to the development of the social sector: Reform and prospects." European Journal of Molecular and Clinical Medicine 8.1 (2021): 1388-1396.
9. Nosirov R. A. EDUCATIONAL PROBLEMS IN THE HISTORY OF CENTRAL ASIA //Innovative Technologica: Methodical Research Journal. – 2021. – T. 2. – №. 04. – S. 82-85.

10. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). THE PHENOMENON OF FRIENDSHIP IN THE SOCIAL VIEWS OF EASTERN THINKERS. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
11. Adilovich, N. R., Sharifovna, Y. N., Upashevna, A. L., Vladimirovna, T. S., & Juraevna, N. N. (2020). The phenomenon of friendship in the social views of eastern thinkers. *Journal of Critical Reviews*, 7(13), 4695-4698.
12. Nosirov, R. A., Raximova, M. I., & Temirova, S. V. (2022). Jamiyatda ijtimoiy ongning o‘zgarishi-ijtimoiy munosabatlar taxlili. innovatsii v pedagogike i psixologii, 5(3).
13. Nosirov, R. O., & Temirova, S. V. (2022). XALQIMIZ SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH DAVLATIMIZ SIYOSATINING USTUVOR YO ‘NALISHI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 242-248.
14. Adilovich, N. R., & Temirova, S. V. (2023). ECONOMIC REFORMS, FORMATION OF PRIVATE OWNERSHIP HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS IN UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 11, 107-109.
15. Adilovich, N. R., & Temirova, S. V. (2023). ECONOMIC REFORMS, FORMATION OF PRIVATE OWNERSHIP HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS IN UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 11, 107-109.
16. Nosirov, R. A., & Temirova, S. V. (2022). MUSTAQIL O ‘ZBEKİSTON KONSTITUTSIYASINING QABUL QILINISHINING TARIXI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 177-182.
17. Nosirov, R. A., & Temirova, S. V. (2022). JAMIYAT HAYOTIDA KONSTITUTSIYANING O’RNI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 2), 249-252.



## ОНАДАГИ ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ХАСТАЛИГИ ШАРОИТИДА ТУХУМДОНЛАРИ МОРФОЛОГИК ҲОЛАТИ

**КУРАНБАЕВА Севара Бахтияровна**

*Тошкент тиббиёт академияси Ургенч филиали*

*Одам анатомияси ва OXTA кафедраси асистенти*

*e-mail: sevarakurbanbayeva46@gmail.com*

**АДИЛБЕКОВА Дилором Бахтиёровна,**

тиббиёт фанлари доктори,

*Тошкент тиббиёт академияси Одам анатомияси ва*

*OXTA кафедраси доценти*

*e-mail: dilorom.adilbekova65@gmail.com*

**Назарова М.Б.**

*Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистан*



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-17-21>

### АННОТАЦИЯ

Онадаги қандли диабет хасталиги улардан тугилган авлод постнатал онтогенези даврларида тухумдонлари қон томиртўқима структураларида яллигланиши-дистрофик ўзгаришиларга олиб келади. Авлод тухумдонларидаги морфологик бузилишилар асосида аъзони озиқлантирувчи ички томирлардаги патоморфофункционал бузилишилар ётади. Бу жараёнлар авлоднинг постнатал онтогенезининг кечки даврларида репродуктив аъзоси тухумдонлари тўқима структураларида трофик бузилишиларга, дистрофик ва дегенератив ўзгаришиларга олиб келади.

**Калим сўзлар:** қандли диабет, авлод, тухумдонлар, қон томирлар, тўқима структуралар

### ABSTRACT

*Diabetes mellitus in the mother causes inflammatory-dystrophic changes in the vascular-tissue structures of the ovaries during the postnatal ontogeny of the offspring born from them. Pathomorpho-functional disorders in the internal vessels feeding the egg are the basis of the morphological disorders in the ovaries of the offspring. These processes lead to trophic disturbances, dystrophic and degenerative changes in tissue structures of the reproductive azo-ovaries in the late stages of the postnatal ontogeny of the offspring.*

**Key words:** diabetes, generation, ovaries, blood vessels, tissue structures

## КИРИШ (Introduction)

Қандли диабет хасталиги ҳозирги замон тиббиётининг тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. ЖССТнинг маълумотларига кўра, қандли диабет билан хасталанган bemорлар сони бутун дунёда 2025 йилга келиб 250 млн. кишига етади. Қандли диабет касаллиги оғир ва сурункали кечувчи касаллик бўлиб, одам организмидаги барча моддалар алмашинуви жараёнларининг, айниқса углеводлар алмашинуви жараёнларининг оғир бузилишлари билан кечади. Ҳомиладорлик аёллар ҳаётининг муҳим ва қувончли даврлари бўлиб, шу билан бирга унинг организми учун зўриқишлир билан кечадиган жараёндир. Шунинг учун ҳомиладор она организмининг бирон-бир касалликка мойиллиги ва унга номақбул ташки ва ички омилларнинг таъсири натижасида унинг организмидаги ичкимиздан туғиладиган авлод аъзоларида касалликлар келиб чиқади. Шулар жумласига қандли диабет касаллиги ҳам киради. Ушбу касалликдаги ички аъзолардаги морфофункционал ўзгаришлар жараёнлари етарлича ўрганилган, аммо қандли диабет билан хасталанган оналардан туғилган авлодлар ички аъзоларидаги патоморфологик жараёнлар ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган. Мавжуд маълумотлар кам, ушбу жараёнлар морфологияси, патогенези ва механизmlари хақида етарлича маълумотлар бермайди.

**Илмий ишнинг мақсади.** Тажрибавий қандли диабет хасталиги шароитида туғилган авлод ички репродуктив аъзоси-тухумдонларининг қон томир-тўқима структуралари постнатал морфогенезини ўрганиш.

**Тадқиқотлар материали ва ўрганиш усуллари.** Тажриба ҳайвонлари 2 та гурӯхга ажратилди. 1-гурух-интакт урғочи каламушлар ва улар авлодлари; 2-гурух урғочи каламушларида тажрибавий қандли диабет касаллиги моделини яратиш учун қорин бўшлиғига 1 марта аллоксан ацетат цитрат буфери 11 мг% / 100 г массаси нисбатида юборилди. Назорат гурӯхининг каламушларига эса шу миқдорда ва нисбатда қорин бўшлиғига изотоник эритма юборилди. Урғочи каламушларга тажрибаларнинг 10 кунида эркак каламушлар қўшилди ва улардан авлодлар олинди. Клиник жиҳатдан тажрибавий қандли диабет касаллиги моделлаштирилган барча каламушларда кам ҳаракатлилик, апатия, лоқайдлик, юзаки, тез-тез нафас олиши, суюқликни кўп-кўп ва тез-тез ичиши, полиурия, вазн йўқотиш каби клиник белгилар қайд этилди. Қандли диабет билан хасталанган урғочи каламушлар авлодлари постнатал ҳаётининг 7-14-21-30-кунларида тухумдонларидан тадқиқотлар учун гистологик материаллар

олинди. Тадқиқотларда морфологик, морфометрик, электрон микроскопия, қон томирлар инъекцияси, вариацион-статистика усуллари қўлланилди.

### Тадқиқотлардан олинган натижалар.

Интакт каламуш болалари тухумдонларини текширишлар кўрсатдиги, 7-кунлик уларнинг пўстлоқ ва мағиз қисмлари яхши такомил этган(1-расм) Аъзо ички қон томирлари аниқланади. Ово-соматик гистионлар ва микроциркулятор қон томирлар шаклланиши жараёнлари ўртасида синхронлик аниқланади. Фаол фолликулогенез аниқланмади, айрим везикуляр фолликуллар пайдо бўлиши жараёнлари кузатилди.




**1-расм.** 7-кунлик интакт каламушлар авлоди тухумдони. Айрим везикуляр фолликуллалар пайдо бўлиши жараёнлари кузатилди. (1), хужайравий таркиби меёрий кўринишда (2) строманинг толали тузилмалари тартибли жойлашган (3). Бўёқ Г.Э. 10x10.

14 ва 21-кунлик каламуш болалари тухумдонлари анчагина яхши ва аниқ шаклланган. Пўстлоқ қавати марказида примордал фолликуллар ўлчамлари деярли бир хил, стромада толали тузилмалари тартибли жойлашган.

30-кунлик интакт каламуш болалари тухумдонлари овал шаклда, бачадон ён томонларида бироз асимметрик ҳолатда жойлашган, ўнг тухумдон чап тухумдонга нисбатан йирикроқ. Ташки юзаси силлиқ, ялтироқ. Тухумдонлар пўстлоқ ва мағиз қаватлари яхши шаклланган. Пўстлоқ қисми периферик соҳаси стромасида сийрак коллаген толалар ва улар орасида етарлича тифиз жойлашган чўзилган ҳужайралар аниқланади. Ички чуқурроқ соҳасида эса кўплаб тухумдонларнинг структур-функционал бирлиги бўлган примордал, бирламчи(бўшлиқ олди), иккиламчи (бўшлиқли), учламчи (етук, преовулятор, Граф) фолликуллар аниқланади. Пўстлоқ қавати қалинлиги ўлчамлари постнатал онтогенезнинг барча даврларида ўсиб борганлиги аниқланди. Мағиз қавати қалинлиги ўлчами эса пўстлоқ қаватига нисбатан эса кичикроқ, юпқа, бу қават ўлчамлари ҳам постнатал онтогенез барча даврларида секин-асталик

билин ўсиб бориши тенденцияси кузатилди. Етук фолликулалар атрофида қалин жойлашган капиллярлар тўри аниқланади. Бир нечта сариқ танаачалар ҳам яхшигина қон томирлар тўри билан ўралган. Тухумдонларнинг мағиз қавати сийрак бириктирувчи тўқима хужайралари, толалари, силлиқ мушак хужайралари, қон томирлар ва нерв толаларидан иборат. Тухумдонларнинг бу қавати қалинлиги ўлчами пўстлоқ қаватига ўлчамига нисбатан юпқароқ Тадқиқотларимиз натижалари кўрсатдики, қандли диабет билан касалланган урғочи каламушлардан туғилган каламуш болаларида эса ҳаётининг ilk постнатал даврларида тухумдонлар пўстлоқ ва мағиз қаватлари шаклланган. Пўстлоқ қисми периферик соҳаси стромасида яллиғланиш-реактив ва дистрофик жараёнлари аниқланади. Ички чуқурроқ соҳасида эса интакт каламушлар авлодларига нисбатан камроқ микдордаги бўлган примордал, бирламчи, иккиламчи, учламчи - Граф фолликуллар аниқланади.



